O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO
VILOYATI
HOKIMINING
QARORI

РЕСПУБЛИКА УЗБЕКИСТАН
РЕШЕНИЕ
ХОКИМА
СУРХАНДАРЬИНСКОЙ
ОБЛАСТИ

2020 й «7» апрель № Қ-158 «___»________20__ г

**Бандихон тумани “Обикор” маҳалласи ҳудудидан “Шаймардон Инвест” МЧЖга “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш компрессор шахобчаси” қурилиши учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5742-сон Фармонига мувофиқ, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 апрелдаги 03-02/172-сон йиғилиш баёни ва Бандихон тумани ҳокимининг 2020 йил 11 мартдаги 01-02/53-сон хатини кўриб чиқиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 03 апрелдаги 03-02/172-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.
2. Бандихон тумани “Обикор” маҳалласи ҳудудидан “Шаймардон Инвест” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1426к-дала контуридаги 1,0 гектар яйлов ер майдони “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш компрессор шахобчаси” қурилиши учун доимий фойдаланиш ҳуқуқий билан билан ажратилсин.
3. “Шаймардон Инвест” МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 1426к-дала контуридаги 1,0 гектар яйлов ер майдони “Автомобилларга сиқилган газ қуйиш компрессор шахобчаси” қурилиши учун ажратилаётган 1,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 13 356 060 (ўн уч миллион уч юз эллик олти минг олтмиш) сўм Давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами (401410860922401345071718б)га беш кун муддатда тўлаб берилиши таъминлансин.

4. Вилоят ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Бандихон тумани ҳокимлиги (Ў.Чориев) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Сувонқулов ва А.Ориповлар зиммасига юклансин.

**Вилоят ҳокими** **Т.Боболов**